

**ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING  
АҲАМИЯТИ**

*Ислом Шарофиддин ўгли Сағдуллаев*

*ТДТрУ Иқтисодиёт факультети 2 курс Ю-3 талабаси*

[\*sagdullayevislom730@gmail.com\*](mailto:sagdullayevislom730@gmail.com)

*Илмий раҳбар: Мафура Мухтархановна*

*Аннотация:* Ушбу мақолада аҳоли ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўрни ва унинг аҳамияти баён этилган.

*Калим сўзлар:* Конституция, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, фуқаро, жамият, давлат, қонуннинг устуворлиги.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўп асрлик ўз ҳуқуқий тарихи ва маданиятининг маҳсули бўлиб, у демократик давлатчиликнинг ички ва ташқи ривожланиш субъекти сифатидаги мустақиллиги ва ўзига хослиги талабларига жавоб беради. Ўзбекистоннинг Конституцияси жаҳон конституциявий харитасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Хорижий мамлакатларнинг ва халқаро ташкилотларининг мутахассислари бизнинг Конституциямизни, қабул қилинган қонунларимизни инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган, энг илғор, прогрессив қонунлар сирасига дадил киритиш мумкин, деб тасдиқладилар. Зеро, конституциямиз халқимизнинг иродаси, руҳияти, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Конституция, авваломбор, умуминсоний қадриятлар ва халқаро ҳуқуқнинг устунлиги принципига амал қилади. Унда бирор сиёсий мафкуранинг чекланиши, синфларнинг қарамақарши қўйилиши, партияларнинг ҳукмронлиги йўқ. Шунингдек, давлатнинг фуқаролар устидан тазйиқ ўтказувчи ҳукмронлиги ҳам йўқ. Конституция инсон ҳуқуқлари

умумжаҳон декларациясининг инсон ҳаёти, шахси ва эркинликларининг дахлсизлиги каби деярли барча принципиал қоидаларини ўзида мужассамлаштирган. Конституциямизда кўп маданиятли мамлакатимизда умумий мустаҳкам ахлоқий ва ҳуқуқий ҳудуд яратиш ғояси ўрин олган.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида қабул қилинган Конституцияси мустақил Ўзбекистон суверен демократик давлатининг биринчи Конституциясидир. Мазкур Конституциянинг ўзига хос хусусияти шундаки, дастлабки моддасидан тортиб то охирги 128-моддасигачи у мустақиллик ғояси билан суғорилган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай давлат ўзида ўрнатилган тартиб-қоидаларинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳалар билан белгилаб ўз ҳокимиятини амалга оширади. Шунинг учун ҳам унинг Асосий қонун сифатида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳалари миллийлик руҳи билан суғорилиб яратилган десак хато қилмаймиз. Авваламбор бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамийки дунёвий неъматлар орасида энг улуғи инсон деган фикрни илгари сурилган ва шу асосда “фуқаро-жамият-давлат” ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий ечими ўз аксини топган. Давлатимизнинг виждони ҳисобланган бу ҳужжат, табиат ва жамиятнинг ривожланиши қонуниятлари асосида яратилган, унда сунъийлик йўқ, бу унинг энг муҳим хусусияти ҳисобланади. Яна бир муҳим хусусияти шундаки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳокимият ва муҳолифат ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосида келиб чиқиши эҳтимоли бўлган барча масалаларни жойжойи кўйиб берди.

Ҳар бир ёш давлатда чинакам демократик Конституция ва қонунларга эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Биринчи навбатда барча фуқароларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган қонун-қоидаларга қатъий оғишмай риоя этишларига эришмоқ зарур. Шундан келиб чиққан ҳолда бугунги куннинг мақсади ҳар бир фуқаронинг, шахси ва лавозимидан қатъи назар, қонунларга

сўзсиз риоя этишини таъминлашдир. Конституциявий қонунчиликни ва ҳуқуқ тартиботини қарор топтиришнинг бошқа жиҳати ҳам борки, у ҳам бўлса мамлакатимизда ўтказилаётган демократик ислоҳотлар учун барқарор ҳуқуқий замин яратишдир. Конституция, қонун ҳамма нарсадан устун турмоғи ва ҳамма учун мажбурий бўлмоғи лозим. Бугунги куннинг асосий талабларидан бири бўлган аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш экан, Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган қоида ва тартибларга ҳурмат билан қарашни сингдириб бориш лозим. Бусиз ҳуқуқий давлат куриб бўлмайди, инсон ҳуқуқлари ва озодлигини ҳимоя қилиб булмайди. Демак, асосий вазифа Конституция ва қонунларни ҳурмат қилишдир.

Ҳуқуқий демократик давлатда “...барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар” (18-модда). Ўз вақтида “Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадрқимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар” (48-модда). Демак фуқаро хоҳ мансабдор ёки оддий фуқаро бўлсин, хоҳ камбағал ёки ишбилармон бўлсин. Конституция ва қонунга амал қилиши лозим ва шарт. Бизнинг мақсадимиз турмушнинг барча соҳаларида Конституция ва қонуннинг устунлик қилишига эришмоғимиз лозим. Ана шундагина фуқароларнинг ҳокимиятга бўлган ишончи ортади. Ишончнинг кафолати эса - Конституция ва қонунларга қатъий риоя этилишидир. Ҳуқуқнинг устуворлигига эришиш, мамлакатда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ўстириш, бу вазифани тўлиқ амалга оширишда ҳамда олдимизга қўйилган мақсадга эришишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш, уни тўлиқ мазмун-моҳиятини англаш бугун куннинг талабидир. Конституциямизни мактабгача таълимдан тортиб токи олий ўқув юртигача бўлган жараёнда ўрганадилар. Бу жараёнларни тартибга солиш бўйича махсус режа ва дастурлар ишлаб

чикилган бўлиб, улар амалда. Шу ўринда барчани шу жараёнга жалб этишда янги услублардан фойдаланиш мумкин. Бунда ижтимоий рекламалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Кенг на обод шаҳарларимизнинг кўча ва йўл бўйларида қандайдир фойдасиз плакатлар ўрнига, конституциямизда келтирилган, барча фуқароларимиз билишлари, амал қилишлари ҳамда кадрлашлари керак бўлган моддаларни тарғибот қилиш фойдадан холи бўлмас эди. Бу эса, жамиятнинг барча қатламини ҳуқуқий билимларга эга бўлишлари, ҳуқуқий онгни оммавий ўстиришга хизмат қилиши мумкин деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат ҳокимиятини шакллантириш, фаолиятини ташкил этишда қонунларга риоя этилишининг асосий қоидаларини ифода этиш билан бирга, жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши, жамиятда тинчлик ва осойишталикнинг таъминланиши, инсонлар онги ва тафаккурининг маънавий ва маърифий юксалиши учун пойдевор ҳисобланади. Унда адолат, маънавият, ҳақиқат, одиллик, миллий ахлоқий қадриятлар, умуминсоний ғоялар каби мезонлар талабидаги қоидалар мавжудки, бу ҳолат Конституциямизни улуғлаш, уни бирламчи олий юридик куч манбаи деб ҳисоблаш ҳамда устиворлигини тан олишга ундайди.

### **REFERENCES**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. “Ўзбекистон”, 2019, 9 - 17 бетлар.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Т., “Ўзбекистон”, 2008, 94-196 бетлар.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонун лойиҳаси. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. <https://lex.uz>.
4. Yuldashev, B. E., & Yuldasheva, M. M. STATE POLICY OF THE REPUBLIC

OF UZBEKISTAN IN THE FIELD OF RAILWAY.

5. Dadasheva, A. A. (2022). PUBLIC OPINION AND GOVERNMENT EVALUATION IN NEW UZBEKISTAN. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations Research*, 4(01), 16-19.
6. Юлдашев, Б. Э. (1994). Железнодорожники Ташкентской магистрали в развитии народного хозяйства Узбекистана в 30-е годы.
7. Дадашева, А. А. (2022). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ–КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР ДАВР ТАЛАБИ. *Academic research in educational sciences*, 3(10), 288-291.
8. Раматов, Ж. С., & Юлдашев, Б. Э. (2019). ЖЕЛЕЗНЫЕ ДОРОГИ УЗБЕКИСТАНА: ИСТОРИЯ, СЕГОДНЯ, ПЕРСПЕКТИВЫ. *Транспорт шелкового пути*, (1-2), 10-14.
9. Adilovich, N. R., & Ergashevich, Y. B. (2021). Structural and functional approaches to the development of the social sector: Reform and prospects. *European Journal of Molecular and Clinical Medicine*, 8(1), 1388-1396.
10. Abdumannapovna, M. D., & Juraevna, N. N. (2022). THE ROLE OF SOCIAL INSTITUTIONS IN THE DEVELOPMENT OF YOUNG PEOPLE. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10 (6), 67–70..